4. Қувасой (Зиявитдинов), Қўқон (Абдуллаев), Фарғона (Рахматов) шаҳарлари, Олтиариқ (Бўтаев), Фарғона (Имомалиев), Қува (Рахимов) туманлари ҳокимликлари **3 кун муддатда** қорамолчилик, паррандачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа йўналишларида белгиланган истиқболли лойиҳалардан келиб чиққан ҳолда, манзилли дастурларини ҳамда ҳар бир лойиҳа бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқласинлар.

5. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси (Нурматов), вилоят Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси (Турдиқулов)га шаҳар ва туман ҳокимлари билан биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўладиган ер майдонлари ва бино-иншоотларни белгиланган тартибда ажратиб бериш вазифаси юклатилсин.

6. Вилоят Марказий банк Бош бошқармаси (Яхяев) тегишли тижорат банклари билан биргаликда озиқ-овқат йўналишидаги барча лойиҳаларини амалга ошириш учун талаб этиладиган кредит маблағларини ўз муддатида ажратиш ва ўрнатилган тартибда конвертация қилиш чораларини кўрсин.

7. Вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Қурбонов), вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси (Тожиҳакимов) биргаликда тасдиқланган дастурларни амалга оширилишини назорат қилиб, мавжуд муаммоларни таҳлил қилсин ҳамда жойларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни **ҳар ҳафта якуни бўйича** вилоят ҳокимлигига тақдим этиб борсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Кўчқоров зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **Ш.Ғаниев**

*Вилоят ҳокимининг*
*2015 йил 9 январдаги*
*25-сонли қарорига*
*1-илова*

**Вилоятда 2015 йилда озиқ-овқат лойиҳаларини белгиланган муддатларда бажариш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни қайта ишлашни салмоғини, экспорт ҳажмини кўпайтириш бўйича тизимли равишда ташкил этиш ва бажарилишини мувофиқлаштириб бориш бўйича вилоят ишчи гуруҳи**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | С.Қўчқоров | Вилоят ҳокимининг ўринбосари, **ишчи гуруҳи раҳбари** |
| 2. | А.Саидов | Вилоят ҳокимлиги котибият мудири, **ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари** |
| **Аъзолари:** | | |
| 3. | Р. Қурбонов | Вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи |
| 4. | Ш.Тожихакимов | Вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи |
| 5. | Т.Салимов | Вилоят молия бошқармаси бошлиғи |
| 6. | А.Тешабоев | Вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи |
| 7. | М.Турдиқулов | Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят худудий бошқармаси бошлиғи |
| 8. | А.Яхяев | Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи |
| 9. | Р.Сулаймонов | Вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо бошқармаси бошлиғи |
| 10. | А.Нурматов | Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи |
| 11. | Д.Усмонов | Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи |
| 12. | Х.Абдуллаев | Вилоят статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| 13. | О.Усмонов | Вилоят «Чорванаслчилик» МЧЖ раиси |

**Вилоят ҳокимлиги котибият мудири** **А.Саидов**

*Вилоят хокимининг*
*2015 йил 9 январдаги*
*25 - сонли қарорига*
*2-илова*

## 2015 йилда озиқ-овқат лойиҳаларини амалга ошриш манзиллий ДАСТУРИ

| № | Туманлар номи | Лойиҳа ташаббускор номи | Йўналишлар номи | Ўлчов бирлиги (гектар, бош сони, қуввати ва х.к) | Лойиҳа хажми ва миқдори | Ишга тушириш муддати | Ярати-ладиган иш ўрни | Лойиҳалар қиймати, млн.сўмда | Шундан | | Конвертация қилинадиган маблағлар қиймати | | Хизмат кўрсатувчи банк номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | ўз маблағи ҳисобидан | тижорат банки кредит ҳисобидан | минг АҚШ доллари | минг ЕВРО | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 1. | Қувасой шаҳар | "Лоғон Агросаноат Люкс" х/к | интенсив боғ | гектар | 50 | 2015 йил 1-чорак | 20 | 1400 | 1400 | | | | Ҳамкор банк |
| | | "Қувасой савдо саноат инвест" х/с | иссиқхона | гектар | 1 | 2015 йил 1-чорак | 10 | 550 | 350 | 200 | 350 | | Ҳамкор банк |
| | | | иссиқхона учун биогаз и/ч | дона | 1 | 2015 йил 3-чорак | 5 | 500 | 350 | 150 | | | Ҳамкор банк |
| | | | музлаткичли омборхона | тонна | 1000 | 2015 йил 2-чорак | 6 | 800 | 100 | 700 | | | Ҳамкор банк |
| | | "АПК Грин парк" МЧЖ агрофирмаси | музлаткичли омборхона | тонна | 1200 | 2015 йил 2-чорак | 20 | 1350 | 250 | 1100 | 350 | | Ҳамкор банк |
| | | "Хисса Хамкор бизнес" МЧЖ | музлаткичли омборхона | тонна | 1000 | 2015 йил 3-чорак | 10 | 800 | 100 | 700 | 300 | | Ҳамкор банк |
| | | | меваии қайта ишлаш | тонна | 6000 | 2015 йил 3-чорак | 30 | 850 | 100 | 750 | 300 | | Халқ банк |
| | | "Оптимал Импулс" МЧЖ | консерва маҳсулотлари | тонна | 1000 | 2015 йил 3-чорак | 14 | 800 | 100 | 700 | 300 | | Халқ банк |
| | | "Қувасой Осиё замини" х/к | қайта ишлаш ва қадоқлаш | тонна | 1000 | 2015 йил 3-чорак | 10 | 1100 | 200 | 900 | 350 | | Халқ банк |
| 2. | Олтиариқ тумани | "Қапчуғай мевалари" агрофирмаси | интенсив боғ | гектар | 30 | 2015 йил 1-чорак | 15 | 550 | 550 | | | | Асака банк |
| | | | балиқчилик | гектар | 30 | 2015 йил 1-чорак | 5 | 650 | 650 | | | | Асака банк |
| | | "Умид Олтиариқ сервис файз" МЧЖ | паррандачилик | минг бош | 50 | 2015 йил 3-чорак | 20 | 1000 | 500 | 500 | 240 | | Асака банк |
| | | "Боязид Олтиариқ холдинг" х/к | музлаткичли омборхона | тонна | 1000 | 2015 йил 3-чорак | 20 | 1800 | 550 | 1250 | 350 | | Қишлоқ қурилиш банк |
| | | "Голден эппел" МЧЖ | музлаткичли омборхона | тонна | 2000 | 2015 йил 3-чорак | 25 | 3000 | 500 | 2500 | 800 | | Ипак йўли банк |
| | | "Зеал тредерс" МЧЖ | иссиқхона (гидропоника) | гектар | 0,5 | 2015 йил 3-чорак | 10 | 1450 | 200 | 1250 | | | Ипотека банк |
| | | "Нозимахон Махмурахон" х/к | токзорни дренаж орқали | дона | 1 | 2015 йил 2-чорак | 5 | 500 | 400 | 100 | | | Халқ банк |
| | | "ЭТМ Маматов" ф/х | интенсив боғ ва ток | гектар | 30 | 2015 йил 1-чорак | 20 | 1100 | 400 | 700 | | | Халқ банк |
| | | "Бағдод дон маҳсулотлари" АЖ | балиқчилик | гектар | 10 | 2015 йил 1-чорак | 20 | 2000 | 1800 | 200 | | | Миллий банк |

| № | Туманлар номи | Лойиҳа ташаббускор номи | Йўналишлар номи | Улчов бирлиги (гектар, бош сони, қуввати ва х.к) | Лойиҳа хажми ва миқдори | Ишга туширнш муддати | Ярати-ладиган иш ўрни | Лойиҳалар қиймати, млн.сумда | Шундан | | Конвертация қилинадиган маблағлар қиймати | | Хизмат кўрсатувчи банк номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | ўз маблаги ҳисобидан | тижорат банки кредит ҳисобидан | минг АҚШ доллари | минг ЕВРО | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 3. | Фарғона тумани | "Оқбилол налмаси" ф/х | мевани қуритиш ва қадоқлаш | тонна | 5000 | 2015 йил 3-чорак | 20 | 560 | 60 | 500 | 150 | | Халқ банк |
| | | | интенсив боғ | гектар | 10 | 2015 йил 1-чорак | 10 | 520 | 20 | 500 | | | Халқ банк |
| | | | иссиқхона | гектар | 1 | 2015 йил 4-чорак | 25 | 550 | 250 | 300 | | | Халқ банк |
| | | "Фарғона гигант қурилиш" МЧЖ | интенсив боғ | гектар | 100 | 2015 йил 4-чорак | 35 | 6500 | 1000 | 5500 | 400 | | Ипотека банк |
| | | "Shezin Construchon Egupments Enjinering" МЧЖ | паррандачилик | минг бош | 30 | 2015 йил 4-чорак | 15 | 600 | 100 | 500 | | | Қишлоқ қурилиш банк |
| 4. | Фарғона шаҳар | "Фарғона ёғ-мой" АЖ | паррандачилик (бройлер) | минг бош | 30 | 2015 йил 4-чорак | 30 | 1000 | 1000 | | 400 | | Ҳамкор банк |
| | | "Мастона" АЖ | қорамолчилик | бош | 100 | 2015 йил 4-чорак | 10 | 2427 | 970,9 | 1456,35 | 450 | | Саноат қурилишбанк |
| 5. | Ўзбекистон тумани | "Қўқон ёғ-мой" АЖ | чорвачилик (бўрдоқичилик) | бош | 300 | 2015 йил 4-чорак | 20 | 2000 | 2000 | | | | Миллий банк |
| 6. | Қува тумани | "Қува Агроинвест" МЧЖ (МЧЖ "Асл Биллюр" тассисчи) | мева ва сбзавотларни қайта ишлаш | (сут/т) | 30 | 2015 йил 4-чорак | 50 | 6389 | 2555,65 | 3833,47 | 2000 | | Асака банк |
| 7. | Қўқон шаҳар | "Қўқон спирт" АЖ | қорамолчилик | бош | 100 | 2015 йил 4-чорак | 10 | 2427 | 970,9 | 1456,35 | 450 | | Ҳамкор банк |
| **Жами** | | | | | | | **490** | **43173** | **17427,45** | **25746,17** | **7190** | **0** | |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FARG'ONA VILOYATI
HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
ХОКИМА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2015 yil «09» январь № 25 Farg'ona shahri

**Вилоятда 2015 йилда озиқ-овқат Дастурида белгиланган лойиҳаларни ижросини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни қайта ишлаш салмоғи ва экспорт ҳажмини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида.**

Вилоятда 2015 йилда озиқ-овқат Дастурида белгиланган лойиҳаларни ижросини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни қайта ишлаш салмоғи ва экспорт ҳажмини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 5 январдаги 01-03-13-10-сонли топшириги ижросини таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 5 январдаги 01-03-13-10-сонли топшириғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2015 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва озиқ-овқат лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қуйидагилар:

вилоятда 2015 йилда озиқ-овқат лойиҳаларини белгиланган муддатларда бажариш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни қайта ишлаш салмоғини, экспорт ҳажмини кўпайтириш бўйича тизимли равишда ташкил этиш ва бажарилишини мувофиқлаштириб бориш бўйича вилоят ишчи гуруҳи 1-иловага мувофиқ;

2015 йилда озиқ-овқат лойиҳаларини амалга ошириш манзилли дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси (Тожиҳакимов), вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо бошқармаси (Сулаймонов), вилоят Марказий банк Бош бошқармаси (Яхяев), вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Қурбонов), Қувасой (Зиявитдинов), Қўқон (Абдуллаев), Фарғона (Рахматов) шаҳарлари, Олтиариқ (Бўтаев), Фаргона (Имомалиев), Қува (Рахимов) туманлари ҳокимликлари билан биргаликда ҳар бир лойиҳани ўз муддатида сифатли бажарилишини таъминлашга масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.